

---

**Оила ва хотин-қизлар бўлими томонидан жорий йил давомида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.**

Данғара тумани ҳокимлигига Оила ва хотин-қизлар бўлими томонидан жорий йил давомида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда махалла ходимлари, имом хатиблар, отин ойилар ва тегишли ташкилот вакиллари иштирок этди.

Данғара туман ҳокими ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи М.Азизованинг жорий йил давомида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботи эшитилди.

Йиғилиш давомида оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, хотин-қизлар ўртасида жиноятчиликни олдини олиш борасида амалга ошрилаётган ишлар ҳамда оиласий қадриятларни мустаҳкамлаш, қариндош ва эрта никоҳнинг салбий оқибатлари юзасидан маълумотлар тахлил қилиб ўтилди.

---

2024-12-25 17:25:12